ҚАҲРАМОНЛИК – ҲУҚУҚ ВА ИРОДА ЭРКИНЛИГИ

Р. Замилова

Мақолада қаҳрамонлик феноменининг фалсафий-ҳуқуқий жиҳатлари, унинг ҳуқуқ, ирода эркинлиги, ахлоқий императивлар ва ҳаётий идеал билан боғлиқ масалалари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: *қаҳрамон, қаҳрамонлик, ҳуқуқ, ирода эркинлиги, феномен, етуклик, ахлоқий императив, ватан, давлат, хатти-ҳаракат.*

В статье анализируются философско-правовые аспекты феномена героизма, вопросы его связи с правом, волей к свободе и жизненным идеалом.

Ключевые слова: *герой, героическое, право, свобода воли, феномен, совершенство, нравственный императив, родина, государство, поведение.*

In this article the author tries to analyse philosophical-juridical aspects of heroic phenomena, and its relationship with law, freedom of changing, behavor – imperatives and life ideals.

Key words: *heroic, heroism, law, freedom of changing phenoma, ethical, imperative, land, government, character.*

Қаҳрамонлик феноменига маънавий-ахлоқий ҳодиса сифатида қараш илмий адабиётларда кенг тарқалган. Ҳа, қаҳрамонлик инсоннинг барча хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари сингари, ижтимоий-маънавий тараққиёт талабларининг ҳосиласи ёки ижтимоий-маънавий ҳаёт интилиб келган ва умуминсоний қадриятларга айлантирган етукликнинг, баркамолликнинг ўзига хос ифодасидир. Ўз пайтида Гегель, қаҳрамон “энг аввало ўзи-ўзида, характер белгиларида бутун бўлиши”, унда “миллатга хос кайфият ва амалиётнинг барча жиҳатлари уйғун бўлиши лозим” [1.448] деб ёзган. Унинг таъкидлашича, қаҳрамон шахсида миллатга, халққа хослик билан бирга “инсоний сифатлар” уйғунлашади [1.449]. Мазкур талқин қаҳрамонлик феноменига фалсафий-ахлоқий воқелик сифатида қарашга ундаган. Бироқ қаҳрамонлик инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг ифодаси ҳамдир. Айнан ушбу жиҳат қаҳрамонликка фалсафий-ҳуқуқий ёндашувни тақозо этади.

Инсон қаҳрамонлик сифатлари билан туғилмайди, аммо унда қаҳрамонлик кўрсатишга маънавий-руҳий қувват, куч мавжуддир. Мазкур қувватга, кучга эга эканини ҳис қилган, билган шахсгина ҳаёт қаҳрамонона амаллар учун берилганини, умрнинг бетакрорлиги қаҳрамонона яшашга даъват эканини англайди. Қолгани ирода эркинлигидадир. Бу ўринда юксак, олийжаноб амалларга чорловчи, улар учун зарур шарт шароитлар яратувчи, ирода эркинлигини қўллаб-қувватловчи ҳуқуқ феномени ҳам борлигини унутиш мумкин эмас.

“Ҳар бир киши ахлоқий қонун ва эркин ирода эгаси сифатида коинот янглиғ чексиз ва бепоёндир” [2.–Б.132]. И.Кантнинг мазкур фалсафий-ҳуқуқий фикри инсон ҳаётида камдан-кам содир бўладиган, гоҳо эса унинг ўзини ҳам ҳайратга соладиган ҳодиса – қаҳрамонлик феноменига ҳам тааллуқлидир. Демак, ҳар бир кишида қаҳрамонона яшаш имкони мавжуд, ҳатто у “коинот янглиғ чексиз ва бепоёндир.”

Ҳеч қандай ҳуқуқ, қонун қаҳрамонликка даъват этмайди. Ватан, давлат хавф остида қолганида фуқароларни ҳимояга даъват этувчи қонун, фармонлар бундан мустасно. Ҳеч қандай таълим-тарбия ўчоғи ҳам қаҳрамон тарбияламайди. Ҳарбий билим юртлари ва ички ишлар ходимлари тайёрловчи даргоҳлар ҳам қаҳрамон тарбиялашга қаратилган дастурга эга эмас, уларнинг бош вазифаси ўз йўналишларига оид малакали мутахассислар етиштиришдир. Ҳеч бир инсон қаҳрамон бўлишни ҳаётий мақсади қилиб қўймайди. Аммо барча жамиятлар, барча даврлар ўз қаҳрамонларига эга. Ушбу парадокс негизини, энг аввало, инсоннинг маънавий-руҳий оламидан, ирода эркинлигидан изламоқ даркор.

Ҳуқуқ ва ирода эркинлиги ўртасида узвий боғлиқлик, диалектик алоқалар мавжуддир. Моҳиятига кўра ҳуқуқ ва ирода эркинлиги бир-бирига зид, қарама-қарши воқеликлар ҳисобланади. Ҳуқуқ моҳиятан инсон фаолиятини, хатти-ҳаракатларини, ҳатто креатив, ижодий изланишларини унификациялашни назарда тутади. Бундай унификациялашсиз қонун устуворлигини таъминлаш ҳам, ҳуқуқнинг умумэътироф этадиган нормаларга, қадриятларга айланишини ҳам тасаввур этиш мушкул. Ҳуқуқнинг мазкур хислати ҳар доим ахлоқшуносларда саволлар, эътирозлар ва улар ўртасида баҳс уйғотиб келган. Бу ўринда жамият-

Римма Замилова *– Наманган давлат университети катта ўқитувчиси*

ни ижтимоий-ахлоқий императивлар билан бошқариш концепциясини илгари сурган Конфуций билан лигизм тарафдорлари бўлган Хан Фэй ўртасидаги баҳс, муроқабани эслаш мумкин [3.18-19]. Ирода эркинлиги эса онгли инсон ақлий тасаввурларининг амалдаги инъикосидир. И.Кант таълимотига кўра, "инсон ирода эркинлигига эга бўлган онгли мавжудот сифатида ўз-ўзидан мақсад ҳисобланади" [2.39]. Демак, ирода эркинлиги орқалигина инсон "ўз ўзидан мақсад", тўғрироғи ўзи ўзига мақсад, онгли, ижтимоий мавжудот эканини исбот этади.

Хўш, қаҳрамонлик қандай тарзда ҳуқуқ ва ирода эркинлиги билан боғлиқ? Ҳуқуқнинг инсон хатти-ҳаракатларини, ҳаёт тарзини унификациялаш хусусияти ноёб, бетакрор ва одатий тасаввурлардан кенг, ҳатто уларга зид қаҳрамонлик феноменига қарши келмайдими? Ҳа, қаҳрамонлик ирода эркинлиги инъикосидир, бироқ улар айнан воқеликлар эмаслиги ҳаммага маълум-ку. Ушбу омил уларни уйғун қарашни ортиқча машғулотга айлантирмайдими?..

"Инсон ўзининг хатти-ҳаракатлари қаторидир" [4.130]. Бу ўринда Гегель инсон ўзининг тириклигини, ҳаёти моҳиятини хатти-ҳаракатлари, фаолияти орқали намоён этади демоқчи. Бироқ хатти-ҳаракатлар, фаолият мудом ижтимоий фойдали, эзгу бўлавермайди, ўзини ўзи асраш ва ривожлантиришни истаган ҳар қандай бирлик, тузум, социум уларни регуляция қилишга мажбур. Шунинг учун ҳуқуқ ва қонунлар мазкур эҳтиёжлар ҳосиласи сифатида инсон хатти-ҳаракатларини, фаолиятини тартибга солади, уларни ижтимоий манфаатлар томон йўналтиради. Таниқли рус ҳуқуқшуноси С.С.Алексеев ёзганидек, ҳуқуқ "Кишилар хатти-ҳаракатларини қандай бўлиши зарур ёки қандай бўлиши мумкинлигини белгилаб беради" [5.224]. Лекин ҳуқуқ, қонун ҳар бир хатти-ҳаракатни, фаолиятни эмас, балки маълум бир хатти-ҳаракатлар, фаолиятлар комплексини, уларнинг ижтимоий манфаатларга йўналтириш механизмларини белгилаб беради. Агар ҳуқуқ, қонун ҳар бир хатти-ҳаракатни, фаолиятни белгилаб берганида, ирода эркинлигига, ахлоқий императивларга ўрин қолдирмаганида, ўзининг антиподига айланган, ижтимоий тараққиётга тўсиқ бўларди. Қаҳрамонлик ноёб, ноодатий, ҳатто ғайримантиқий ҳодиса бўлгани учун уни ҳуқуқ ёки қонун билан шакллантириш қийин. Аммо ҳуқуқ ва қонун қаҳрамонона яшаш, изланиш, меҳнат қилиш учун барчага тенг имкон яратади.

Инсон қалбида, руҳида шундай бир куч борки, мазкур куч уни тинмай изланишга, Ф.Ницше ибораси билан айтганда, "ўзидан ўзиш" [6.27] га ундайди. "Мен – деб ёзади А.Камю, – ўзимда ўзимдан юксак бир нима борлигини ҳис қилишим зарур. Баъзан мен ўзимдан йироқ нарсаларни ёзишим зарур, бу эса менда мендан кучлироқ бир нима борлигини тасдиқлайди." [5.109] Ўзида ўзидан юксак бир нима, куч борлигини сезган киши ором билмай изланади, ҳатто ҳаётидан кечиб бўлса-да, уни намоён этишга, объективлаштиришга интилади. Қаҳрамонлик гоҳо оний хатти-ҳаракат, ҳатто шахснинг ўзи ҳам тўла англаб етмаган жасорат, мардлик бўлиб кўринса-да, у ижтимоий-маънавий маконда қарор топган ахлоқий, шу жумладан, ҳуқуқий нормалар таъсири ифодасидир. Қаҳрамонлик шахснинг ижтимоий заруриятга мувофиқ хатти-ҳаракати, фаолияти бўлиши, ижтимоий ҳаёт эса шахснинг қаҳрамонлик кўрсатишига халақит бермаслиги зарур [7.327]. Яъни, биринчидан, қаҳрамонлик зарурият бўлиши, иккинчидан, ижтимоий ҳаётда амал қиладиган нормалар шахснинг қаҳрамонона яшашига, изланиши ва меҳнат қилишига халақит бермаслиги даркор.

Қаҳрамонлик янги ҳуқуқий ва ахлоқий императивларнинг шаклланишига таъсир этади. Мазкур императивлар орқали у қаҳрамонликни тарғиб этиши, қўллаб-қувватлаши, ҳатто уни оммавий хулқ-атворга айлантириши мумкин. Бу борада "Ўзбекистон қаҳрамони" унвони, "Мардлик" ордени ва "Жасорат", "Содиқ хизматлари учун" медалларининг ҳукуматимиз томонидан махсус таъсис этилишини эслаш ўринлидир. Мазкур мукофатлар ўзининг фидокорона меҳнати, изланишлари ва эл-юрт олдидаги олижаноб, буюк, ибратли хизматлари билан ном чиқарган, обрў топган ватандошларимизга берилади. Юқоридаги унвон, орден ва медаллар билан шу кунгача икки мингдан зиёд киши тақдирланган, бу қаҳрамонликнинг оммавий хулқ-атвор ҳам бўлишидан дарак беради. Демак, ҳуқуқ ва қонун меъёрлари қаҳрамонликка зид келмайди, улар қаҳрамонликни ҳатто оммавий хулқ-атворга айлантириши мумкин.

Оддий тасаввурга кўра, қаҳрамонлик тасодифий, ноёб, ҳамма ҳам журъат этолмайдиган ҳодисадир. Буни инкор қилиб бўлмайди. Бундай ноёб ҳодисалар қаҳрамонликнинг юксак кўринишидир. Аммо анҳорда оқиб кетаётган кишини ёки олов ичида қолган гўдакни ўлимдан халос қилган шахснинг тасодифий қаҳрамонлиги билан умрини илм-фанга бағишлаган, "нина билан қудуқ қазиган" олимнинг жасорати ўртасида фарқ мавжуд. Бу фарқ энг аввало инсоннинг ирода эркинлигига бориб тақалади.

Ирода эркинлиги маънавий-руҳий, психологик ҳодисадир. Мазкур ҳодисанинг қаҳрамонликка ай-

ланишида шахснинг ҳаётий идеали, ахлоқий қарашлари, ғоявий позицияси ва журъати кабилар муҳим роль ўйнайди. Ҳамма ирода ҳам қаҳрамонлик бўлавермайди, аммо ирода эркинлигисиз фаолият ҳам, қаҳрамонлик ҳам йўқ.

Ирода эркинлиги ҳуқуқ ва эркинликлар билан айнан ҳодиса эмас, кейингилар ижтимоий-ҳуқуқий, ирода эркинлиги эса индивидуал руҳий ҳодисалардир. Шахснинг у ёки бу ҳолатда ўзини тутиши, қаҳрамонлик ёки қўрқоқлик кўрсатиши унинг ушбу индивидуал руҳий ҳолати билан боғлиқ. Ҳаёт онлари ва ўзаро муносабатлар қанча бўлса, индивидуал руҳий ҳолатлар ҳам шунча, ҳатто улардан ҳам кўп. Ушбу беҳисоб ҳолатларга мувофиқ келадиган ёки аксинча хатти-ҳаракатни, хулқ-атворни танлаш мудом шахс ҳуқуқидир.

Ирода эркинлиги негизида ҳуқуқий онг ёки ҳуқуқий билим ётиши мумкин. Масалан, камикадзени тўхтатиб қолган милиционерга энг аввало касб-кор тайёргарлиги, ижтимоий бурчи муҳим таъсир кўрсатади [8.82-85]. Олимнинг ўз таълимотини сабр-тоқат ва мардлик билан узоқ йиллар ҳимоя қилиши нафақат унинг қаҳрамонлиги, конституцион ҳуқуқни яхши билиши ҳамдир. Агар мамлакат Конституцияси ва ундан келиб чиқиб қабул қилинган қонунлар эркин ижод қилишни кафолатламаганида, олим бошқа, ҳуқуқ ва қонунлар тақиқламайдиган фаолият билан шуғулланиши табиий ҳол эди. Лекин инсоннинг барча фаолияти, ижодий изланишлари негизида ҳуқуқ ва қонунлар ётади деб бўлмайди. Расмий ҳуқуқ ва қонунлар бориб етмаган фаолиятни, ижодий изланишларни ахлоқий нормалар регуляция қилади.

Ирода эркинлигини кўпинча ахлоқий императивлар бошқаради. Қаҳрамонлик феномени ҳам мазкур императивлар ҳукмидадир.

Ахлоқий императивлар қаҳрамонлик, мардлик деб атаган хатти-ҳаракатларни расмий ҳуқуқ ва қонунлар қабул қилмаслиги мумкин. Масалан, ўт ўчирувчилар ҳар сафар тилсиз ёв, “ён-атрофни кулга айлантирмоқ”чи бўлаётган олов билан олишадилар, ожиз, ёрдамга муҳтож кишиларни ўлимдан қутқарадилар. Жамият, кишилар уларни қаҳрамонлик деб билади, бироқ уларнинг жасорати ҳар доим ҳам расман тан олинавермайди. Расман тан олинган қаҳрамонликни ахлоқий императивлар қайд этади. Бизнинг фикримизча, ахлоқий императивлар тан олган қаҳрамонларни расмий ҳуқуқ ва қонунлар ҳам эътироф этиши, ҳеч бўлмаганда уларнинг ахлоқий императивлар эъзозлашига тўсқинлик қилмаслиги даркор.

Қаҳрамонлик ҳаётий идеалдан туғилади ва ўзи ҳам ҳаётий идеалга айланади. Шотланд файласуфи Т.Карлейль ҳаётий идеал илоҳий қонунлардир, қаҳрамон, гений, авлиё ушбу қонунларни бутун борлиғи, хатти-ҳаракати ва куч-қуввати билан ҳимоя қилади, тарғиб этади, деб ёзади. Ижтимоий ҳаётдаги барча нарсаларда, айниқса, “инсоннинг инсонга муносабатида илоҳий ҳуқуқ ёки иблисона ҳуқуқсизлик ётади” [9.202]. Қаҳрамон позитив воқелик сифатида ҳаёт мангулигини асраб қолишга даъват этувчи “илоҳий ҳуқуқ”қа таянади, ундан мадад, андоза, идеал излайди. “Илоҳий ҳуқуқ” моҳиятан позитив бўлгани учун ўзига талпинадиган қаҳрамонликни ҳам позитивга айлантиради. Баъзан қаҳрамонлар “иблисона ҳуқуқ” даъватларига эргашиши ҳам ҳақиқатдир. Т.Карлейль қаҳрамон сифатида улуғлаган Наполеон “иблисона ҳуқуқ” даъватларига ҳам эргашган. Бундай мисолларни тарихдан кўплаб келтириш мумкин. Демак, қаҳрамон ҳаёти парадоксларга тўла. Аслида қаҳрамонни ноодатий, тасодифий, гоҳо ғайримантиқий хатти-ҳаракатларга ундаб, уни ҳаётий идеалга айлантирган нарса ҳам парадокслардир. Аммо ушбу парадокслар ҳаёт мангулигини асраш, янги борлиқ яратиш, фидоийликни ахлоқий фазилатга айлантириш, хуллас, “илоҳий ҳуқуқ талабларига мувофиқ яратиб яшаш ниятидан униб чиққан парадокслардир.

Қаҳрамон мавҳум субъект эмас, у мудом бирор миллат, халқ вакилидир. Агар у етуклик, баркамоллик тимсоли сифатида келса, унинг мазкур ахлоқий фазилатлари ана шу миллат, халқ фазилатларининг инъикосидир. Гегель қаҳрамонда “миллат характерида сочилиб ётган сифатлар жамланган” [1.449.] деганида ҳақ эди. Шунинг учун қаҳрамон ўз миллатида, халқида мавжуд фазилатларни ва улар орзу қилган, идеал билган хислатларни ўзида жамлаган шахс сифатида намоён бўлади. Зардушт – қаҳрамон! У ўлкамиз халқларининг маънавий-ахлоқий интилишларини, барча элатларни, халқларни буюк бир ғоя, парадигма, эътиқод атрофида бирлаштириш билан боғлиқ орзу умидларини ўзида мужассамлаштирди, уларни рўёбга чиқариш учун беқиёс сабр-тоқат, ирода, мардлик кўрсатди [10.117-119]. Чет эл босқинчиларига қарши чиққан, ватанимиз озодлиги учун курашган Жалоддин Мангуберди ҳам, ақлу заковати, исътедодини бадиий фалсафий ижодга бағишлаган Румий, Навоий ҳам, Чор ҳукумати тақиқларига қарамай миллат, халқ маърифати учун ижод қилган, изланган жадидчи боболаримиз ҳам, Республикамизда бадииятни илм-фан соҳасига айлантирган, ажойиб адабиётшунослар етиштирган Озод Шарафиддинов ҳам қаҳрамон! Демак, қаҳрамонлик кўрсатмайдиган соҳа, фаолият тури йўқ, лекин гап ушбу соҳани, фаолият турини миллат, халқ орзу-умидлари, манфаатлари билан уйғунлаштириш, бу борадаги тўсиқларни, гоҳо инсон зотида учраб турадиган

салбий муносабатларни, қусур излаш одатларини мардона енгиб ўтишдадир. Бу ўринда, айниқса, демократик жамиятда ирода эркинлигининг ҳуқуқ билан уйғунлиги талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XI боби "Фуқароларнинг бурчлари" деб аталади. Мазкур боб фуқаролардан қаҳрамон бўлишни бевосита талаб этмайди, аммо унда (52-моддада) қаҳрамонлик кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари берилган, ушбу ҳуқуқий асослар фуқароларнинг бурчларида, ушбу бурчларини ўташга мажбурлигидадир. Шуни эсда тутиш зарурки, бурчлар, уларни ўташнинг мажбурлиги ҳали қаҳрамонлик феноменининг ўзи эмас ва қаҳрамонлик кўрсатишга мажбурлаш ҳам эмас. Бурчни ўташ ҳар хил кўринишда бўлиши мумкин. Жангчиларга овқат тайёрлайдиган ошпаз ҳам ёки улар ётоқхонасини тозалайдиган фаррош ҳам ўз бурчини бажарган ҳисобланади, лекин ушбу фаолият турлари ҳеч қачон қаҳрамонлик кўриниши бўлмаган. Қаҳрамонлик феноменининг бетакрор, ноёб ҳодисалиги уни ҳуқуқий нормалар билан оммалаштиришга, унификациялаштиришга имкон бермайди. Шунинг учун ҳам қаҳрамонлик кишиларнинг орзу-умидларини, идеал ҳақидаги тасаввурларини ўзида жо этган тимсол ҳисобланади. Ахлоқий императивлар ва ҳуқуқ нормалари ундан ибрат, намуна олади, кишиларнинг қаҳрамон – идеалга интилиб яшаш механизмларини, кафолатларини яратиш билан чекланади. Шу маънода қаҳрамонлик ҳуқуқ ва шахс ирода эркинлигининг инъкосидир.

Қаҳрамонликнинг инсон иродаси билан боғлиқ феномен эканини Гегель тўғри таъкидлайди. Унинг фикрича, ички ирода қаҳрамонликни белгиловчи омилдир [1.451.]. Шу билан бирга, у қаҳрамонлик учун "миллат фазилатлари", "шарт-шароитлар", яъни умумижтимоий манфаатлар ҳам зарурлигини қайд этади. Чунки шахснинг ҳатти-ҳаракатларини унинг ўзи эмас, балки ижтимоий муҳит, жамият баҳолайди. Мазкур муҳит, жамият ўз манфаатларига мувофиқ келмайдиган ҳатти-харакатни қаҳрамонлик деб аташи ғайриҳаётийдир.

Қаҳрамонлик феноменининг ноёб, бетакрор ҳодисалигини, шубҳасиз, шахс иродасини объективлаштирадиган сенситив кечинмалардан, ҳаётий тажрибаси ва онгида шаклланган идеалдан ҳам излаш даркор. Шахснинг миллат, халқ билан алоқалари перманент хусусиятга эга, лекин ҳамма ҳам қаҳрамонлик хислатларини намоён этавермайди. Демак, шахснинг ички сенситив кечинмалари, ҳаётий тажрибаси ва идеали унга ҳатто расмий қонунлар, нормалардан ҳам кучли таъсир этади. Агар ахлоқий императивлар ва ҳуқуқ шахсда умумижтимоий манфаатлар билан уйғун келадиган фазилатларни, шу жумладан, қаҳрамонона меҳнат қилиб яшаш мақсадини шакллантиришни истаса, юқоридаги ички психологик омилларга самарали таъсир этиш механизмларини топиши керак. Демократия, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш ана шундай механизмлар қаторига киради. Асрлар ва халқлар, давлатлар синовидан ўтган, бугун умуминсоний қадриятлар сифатида эътироф этиладиган мазкур механизмлар ҳар бир инсонга "замонамиз қаҳрамони" бўлишга имкон беради. Қолгани инсон хатти-ҳаракатларини вужудга келтирувчи, унинг ирода эркинлигига мазмун бахш этувчи, Гегель ибораси билан айтганда, бутун, етук, "мутлоқ руҳ" амридадир.

Адабиётлар:

1. Гегель Г.В.Ф. Эстетика. Т. III. –М.: "Искусство", 1971.
2. Саидов А.Х. Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция (тўлдирилган ва қайта ишланган учинчи нашри). –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2013.
3. Алимасов В. Конфуцийлик ва Шарқ давлатчилиги. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашр., 2006.
4. Афоризмы. – Минск, 1999.
5. Алексеев С.С. Право: азбука, теория, философия: Опыт комплексного исследования. – М.: Статут, 1999.
6. Ницше Ф. Сочинения в 2 томах. Т. 2. –М.: Мысль. 1990.
7. Плеханов Г.В. Избранные философские произведения. – М., 1956.
8. Икрамов Ш.Р., Қобилов Ш.Р. Мустақиллик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш осон кечган эмас... Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013.
9. Карлейль Т. Герои, почитание героев и героическое в истории. – М.: Эксмо, 2008.
10. Алимасов В, Замилова Р. Зардуштнинг маънавий жасорати. "Авесто қадриятлари: замонавийлик, дин ва фалсафа" мавзусидаги халқаро илмий-назарий конференция материаллари. – Т., ЎзМУ, 2013.

2015 йил 30 январда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. В.Алимасов)